

Фан олимпиадаси илмга чорлайди

✘ Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг барча учрашувларида Республикамизда ҳар томонлама билимли ва этук мутахассислар тайёрлашга долзарб масала деб қарашимиз кераклигини айтиб келмоқда. Фан олимпиадалари ҳам бундай кадрларни тайёрлашда ўз ўрнига эга. Шунини эътиборга олиб «Назарий ва қурилиш механикаси» кафедраси ўқитувчилари ҳам кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича фидокорлик билан талабаларга билим бериб келмоқда. Институтимиз талабалари ҳар йили Республикада ўтказиладиган олимпиадаларда қатнашиб институтимизни нуфузини ошишига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Профессор-ўқитувчилар ўзлари ўқитган талабалар ичидан илмга интилувчан талабаларни қўшимча тайёрлашиб, май ойида бўладиган Республика олимпиадасини ўтказишдан олдин, кафедрада «Назарий механика» ва «Материаллар қаршилиги» фанларидан олимпиаданинг 1 - босқичини ўтказишмоқда. 25-26 март санасида ТИҚХММИнинг «Назарий ва қурилиш механикаси» кафедрасида «Материаллар қаршилиги» фани бўйича олимпиаданинг 1-босқичи ўтказилди. Бу олимпиадада қуйидаги талабалар фаол қатнашдилар:

- 1.Каримов Абдоржон Шавкат ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 2.Шарофиддинов Жавохир Жамолиддин ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 3.Қорахонов Шахриддин Абдулла ўғли ГМ факультетининг 3 курс талабаси.
- 4.Уралов Хофизбек Олим ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 5.Шокирбоев Сардор Фахриддин ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 6.Тожибоева Зебинисо Фозилжон қизи ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 7.Зокиров Илхомжон Бахтиёр ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 8.Рахимов Шерзод Араббой ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 9.Турсунов Миркамол Кимсанбой ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси. ✘
- 10.Мирзабекова Шахноза Уринбай қизи ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.
- 11.Садиков Жонибек Махсуд ўғли ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси.

Бу Олимпиада юқори савияда Республика олимпиадаси «Низом» талаблари асосида ўтказилди. Бу олимпиадада 4 тур натижасига кўра қуйидаги талабалар энг юқори натижаларни кўрсатишди:

- 1.Турсунов Миркамол Кимсанбой ўғли 336 балл натижа билан 1-ўринни эгаллади (ГТҚ факультетининг 3 курс талабаси) раҳбар катта ўқитувчи Э. Тошматов.
2. Каримов Абдоржон Шавкат ўғли 300 балл натижа билан 2-ўринни эгаллади (ГТҚ факультетининг 2 курс талабаси) раҳбар доцент Б. Юлдашев.
- 3.Қорахонов Шахриддин Абдулла ўғли 245 балл натижа билан 3-ўринни эгаллади (ГМ факультетининг 3 курс талабаси) раҳбар катта ўқитувчи Б. Уринов.

Энг юқори ўрин олган юқорида фамилиялари келтирилган талабаларни кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари (доцент Б.Юлдашев, катта ўқитувчилар Б.Уринов ва Э.Тошматовлар) 2-босқич Республика олимпиадасига жадаллик билан тайёрлашни бошлаб юборишди.

Кафедра мудири М.Мирсаидов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов